

БАҲОРГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИНИНГ ЭКИШ МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Жўраев Абдурасул Абдуҳакимович 

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада баҳорги буғдой навлари уруғларининг дала унувчанлигининг экиш меъёри ва муддатларига боғлиқлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Баҳорги юмшоқ буғдой навлари уруғларининг дала унувчанлиги 74,8-86,4 фоизни ташкил қилиб, экиш меъёрларининг ортиб бориши ҳамда ҳаво ҳароратининг ортиб боришига мос тарзда тупроқ ҳароратининг ортиб бориши билан уруғларнинг дала унувчанлиги ортиб бориши аниқланди.

Калит сўзлар: Баҳорги буғдой, навлар, уруғ, дала унувчанлик, экиш меъёр, муддатлари, униб чиқиш.

Аннотация. В данной статье приведены сведения о зависимости полевой всхожести семян яровых сортов пшеницы от норм и сроков посева. Полевую всхожесть семян яровой мягкой пшеницы составила 74,8–86,4%. Установлено, что по мере увеличения норм высева, а также с повышением температуры воздуха и соответствующим повышением температуры почвы полевую всхожесть семян возрастает.

Ключевые слова: яровая пшеница, сорта, семена, всхожесть семян, норма высева, сроки, всход.

Abstract. This article provides information on the dependence of field germination of seeds of spring wheat varieties on the norms and timing of sowing. Field germination of spring soft wheat seeds was 74.8–86.4%. It has been established that as seeding rates increase, as well as with an increase in air temperature and a corresponding increase in soil temperature, the field germination of seeds increases.

Keywords: spring wheat, varieties, seeds, seed germination, seeding rate, timing, emergence.

КИРИШ.

Бугунги кунда иқлим ўзгариши, ёмғир ва намлик тақсимотининг ўзгарувчанлиги, тупроқ унумдорлигининг камайиши каби омиллар баҳорги

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

буғдой етиштириш технологияларига илғор ва аниқ ёндашувни талаб этмоқда. Шундай шароитда уруғларнинг дала унувчанлигини ошириш, оптимал экиш меъёрлари ва муддатларини аниқлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Баҳорги буғдой етиштиришда юқори маҳсулдор ўсимликларни шакллантириш учун ўсимликларнинг асосий экологик омилларидан тўлиқ фойдаланадиган оптимал экиш меъёри, ўсимлик зичлиги яратилиши керак [2]. Озиқлантириш майдони донли экинлар учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки у уруғларнинг тўлиқлиги, текислиги, уларнинг экиш сифати ва ҳосилдорлик хусусиятларига катта таъсир қилади [1; 3].

Баҳорги юмшоқ буғдой-бу анъанавий равишда барқарор, юқори сифатли дон ҳосилини берадиган ва халқаро бозор учун тижорат жиҳатдан жозибадор ва истиқболли бўлган юқори маҳсулдор қишлоқ хўжалиги экинидир [4]. Баҳорги буғдой донидан юқори ҳосил олиш учун уни етиштириш технологиясининг замонавий усулларини, ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли барча омилларни ҳисобга олган ҳолда кенг қўллаш зарур [5].

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР.

Тажрибаларни қўйиш ва ўтказиш «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ва «Ўсимликшуносликда илмий тадқиқот ишлари» услубий қўлланмаларида келтирилган услублар асосида ўтказилди. Дала тажрибалари Республиканинг жанубий минтақалари Қашқадарё вилояти Қарши тумани оч тусли бўз тупроқлари шароитида Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти марказий тажриба хўжалигида 2022-2024 йилларда давомида олиб борилди. Тажрибада давлат реестрига киритилган баҳорги буғдойнинг Баҳор-1, Жануб гавҳари ва Наврўз навлари навлари асосида олиб борилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА.


Натижаларга кўра, 3 йиллик маълумотлар таҳлиliga кўра эрта (20-28 февраль) муддатда Баҳор-1 навида уруғлар гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 248,9 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 83,0 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 281,7 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 80,5 фоизни, унувчанлик 3,0 млн.дона/га меъёрга нисбатан 2,5 % паст бўлиши, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 305,3 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 76,3 фоизни ташкил қилганлиги, унувчанлик 3,0 млн.дона/га меъёрга нисбатан 6,7 % паст ўлиши, 3,5 млн.дона/га меъёрга нисбатан 3,9 % паст бўлиши аниқланди.

Жануб гавҳари навида уруғлар гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 249,9 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 83,3 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 282,2 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

80,8 фоизни, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобюида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 306,6 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 76,6 фоизни ташкил қилиб, уруғларнинг дала унувчанлиги таҳлил қилинганда ҳам юқоридаги қонуният кузатилиб, экиш меъёрларининг ортиб бориши билан уруғларнинг дала унувчанлиги 2,8-6,7 % пасайиб борганлиги аниқланди

Тадқиқотларимизда баҳорги юмшоқ буғдойнинг Наврўз нави уруғлари эрта муддатда гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 250,2 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 83,4 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 283,1 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 80,9 фоизни, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 306,9 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 76,7 фоизни ташкил қилгани ҳолда экиш меъёрларининг ортиб бориши билан уруғларнинг дала унувчанлиги 2,8-6,7 % пасайиб борганлиги аниқланди.



1-расм. Баҳорги юмшоқ буғдой навлари уруғларининг униб чиқиши ва унувчанлик даражаси (Қарши, 2022-2024 йй)

Ўрта муддат (1-10 март)да Баҳор-1 нави уруғларининг дала унувчанлиги таҳлил қилинганда, уруғлар гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 250,8 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 83,6 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 283,8 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 81,1 фоизни, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 307,6 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 76,9 фоизни ташкил қилди

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

(3.1-расм). Жануб гавҳари нави уруғлари гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 251,1 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 83,7 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 284,2 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 81,2 фоизни, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 308,0 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 77,0 фоизни ташкил қилган бўлса, Наврўз нави уруғлари гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 251,2 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 83,7 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 284,3 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 81,2 фоизни, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 308,2 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 77,0 фоизни ташкил қилганлиги, ўрта муддатда ҳам навлар ўртасида кескин фарқ кузатилмаган бўлсада, экиш меъёрларининг ортиб бориши билан уруғларнинг дала унувчанлиги пасайиб бориш қонунияти кузатилди.

Экиш муддатларига кўра таҳлил қилинганда эса уруғлар ўрта муддатда экилганда эрта муддатда экилганга нисбатан 0,3-0,6% юқори бўлиши аниқланди, бу кўрсаткични ҳаво ҳароратига мос тарзда тупроқдаги ҳароратнинг ҳам кўтарилиши ва бу уруғлар униб чиқиши учун ижобий таъсир қилиши билан изоҳлаш мумкин.

Кеч муддат (10-20 март)да Баҳор-1 нави уруғлари гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 255,7 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 85,2 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 289,4 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 82,7 фоизни, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 313,6 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 78,4 фоизни ташкил қилди. Жануб гавҳари нави уруғлари гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 254,9 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 85,0 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 288,4 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 82,4 фоизни, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 312,7 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 78,2 фоизни ташкил қилган бўлса, Наврўз нави уруғлари гектарига 3,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 256,5 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 85,5 фоизни, уруғлар гектарига 3,5 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 290,3 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 85,5 фоизни, уруғлар гектарига 4,0 млн.дона ҳисобида экилганда униб чиққан ўсимликлар сони 314,7 донани, уруғларнинг дала унувчанлиги 78,7 фоизни ташкил қилганлиги, кеч муддатда ҳам навлар ўртасида кескин фарқ кузатилмаган бўлсада, экиш меъёрларининг ортиб бориши билан уруғларнинг дала унувчанлиги пасайиб бориш қонунияти кузатилди.

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

ХУЛОСА.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Республиканинг жанубий минтақалари оч тусли бўз тупроқлари шароитида баҳорги юмшоқ буғдой уруғларининг дала унувчанлиги 74,8-86,4 фоизни ташкил қилиб, экиш меъёрларининг ортиб бориши ҳамда ҳаво ҳароратининг ортиб боришига мос тарзда тупроқ ҳароратининг ортиб бориши билан уруғларнинг дала унувчанлиги ортиб бориши аниқланди.

Баҳорги юмшоқ буғдой навлари уруғларининг дала унувчанлиги ҳаво ҳарорати, ёгин миқдори ва бевосита ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқ бўлиб, ҳароратнинг юқори бўлиши, ёгин миқдорининг кам бўлиши уруғларнинг дала унувчанлигининг юқори бўлишини таъминлаши исботланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Галиев Ф.Ф. Влияние норм высева на посевные качества и урожайные свойства семян яровой пшеницы в условиях Предволжья Республики Татарстан / Ф.Ф. Галиев, С.В. Зубарев, А.М. Ганиев // Биологические и экологические проблемы современного земледелия и роль аграрной науки в его развитии // Материалы международной научно-практической конференции Казанского ГАУ. - Казань, 2015. - С. 18-25.

2. Филиппов А.С. Продуктивность и качество зерна различных сортов яровой пшеницы в зависимости от фона питания и использования гербицидов / А.С. Филиппов // Актуальные вопросы аграрной науки и образования: материалы международной науч.-прак. конф., посвященной 65-летию Ульяновской ГСХА.-Т.1.- Ульяновск: УГСХА, 2008.-С.198-201.

3. Ярцев Г.Ф. Роль сорта в повышении урожайности яровой мягкой пшеницы в зависимости от норм высева / Г.Ф. Ярцев, Р.К. Байкасенов, О.Е. Геннадзе// Известия ОГАУ. - 2009. - № 2(22). - С.36-37.

4. Румянцев А.В., Глуховцев В.В., Кукушкина Л.А. Научные достижения в селекции сортов яровой мягкой пшеницы // Зернобобовые и крупяные культуры. 2015. №2. С. 58-63.

5. Лазарев В.И, Лазарева Р.И., Ильин Б.С. Агро-технологическая оценка возделывания яровой пшеницы по различным предшественникам в условиях Курской области // Земледелие. 2019. № 5. С. 25 -27.